

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛАЗИЗОВА ШОИРА КАРИМОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИ ВА УНИНГ АТРОФИНИ ЎРАБ  
ТУРГАН ТОҒЛАРДАГИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ  
БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдулазизова Шоира Каримовна**

Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлардаги куруқлик моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги..... 3

**Абдулазизова Шоира Каримовна**

Биологическое разнообразие наземных моллюсков Сурхан-Шерабадской долины и окружающих её горных хребтов..... 21

**Abdulazizova Shoira Karimovna**

Biological diversity of terrestrial mollusks of Surxan-Sherabad valley and its surrounding mountain ranges..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛАЗИЗОВА ШОИРА КАРИМОВНА**

**СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИ ВА УНИНГ АТРОФИНИ ЎРАБ  
ТУРГАН ТОҒЛАРДАГИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ  
БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Биология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2 PhD/B190 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пазилов Абдуваеит**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кучбоев Абдурахим Эргашевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Эшова Холиса Саидовна**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «05» март куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz))

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «18» февраль куни тарқатилди.  
(2019 йил 18 февралдаги 19 - рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда табиий экотизимларга антропоген таъсирнинг кучайиши кўпгина умуртқасиз ҳайвонлар вакиллариининг йўқолишига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда иқлимнинг қурғоқчилланиши арид минтақаларидаги қуруқлик моллюскалари хилма-хиллигининг камайишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, қурғоқчиликка мойил ҳудудлардаги қуруқлик моллюскаларининг замонавий тур таркибини аниқлаш, популяциялари ҳолатини баҳолаш ва камёб турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда, қуруқлик экотизимларидаги моллюскаларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш, трофик занжирдаги ўрнини ва хўжалик аҳамиятини баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қуруқлик моллюскаларининг эндемик турларга бой локал ҳудудлари аниқланди, улар автохтон турлари марказларининг шаклланиши исботланди, паразит касалликларни тарқатишдаги ўрни асосланди ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кескин кенгайиши ўзлаштирилган ҳудудлардаги қуруқлик моллюскалари замонавий ҳолатига турлича таъсир кўрсатмоқда. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва чорвачиликнинг ривожланиши, бир томондан, қуруқлик моллюскалари камёб ва эндем турлари тарқалган ҳудудларнинг қисқаришига ва популяцияларининг инкирозига сабаб бўлмоқда. Иккинчи томондан, қуруқлик моллюскалари айрим зарарли турлари сонининг ортиши, чорвачилик аҳамиятига эга озуқабоп ўсимликларга зарар етказиш кўрсаткичининг ошиши ва чорва ҳайвонларининг паразит личинкалари билан касалланиш кўламидининг кенгайишига олиб келмоқда. Бинобарин, ўзгарувчан локал ҳудудлардаги қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш, камёб турлари популяциялари ҳолатини баҳолаш, зарарли турларига қарши самарадор курашиш усулларини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикада локал ҳудудлар фаунасини инвентаризациялаш, ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигини сақлаш ва биоресурсларидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, умуртқасиз ҳайвонларнинг йўқолиб кетиш арафасидаги турларини сақлаб қолишнинг самарадор усуллари ишлаб чиқилди, махсус кўриқланадиган ҳудуд майдонлари кенгайтирилди ва умуртқасиз ҳайвонлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш усуллари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «...атроф-муҳит ва генофондга таъсир этувчи муаммоларни бартараф этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

куруқлик моллюскаларининг биологик хилма-хиллигини аниқлаш, камёб турларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш ва зарарли турларига қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш хажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қуруқлик моллюскаларининг систематик ҳолати, таксономик таркиби, деградация жараёни кетаётган ҳудудларда моллюскаларнинг тарқалиши, уларда борадиган ўзгарувчанлик, турларнинг келиб чиқиши, ноёб ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган турлар таркибини ўрганишга оид маълумотлар хориж олимлари А. Wiktor, A. Riedel (2002), С. Lydeard (2004), L. Beran (2006), С. Régnier (2009), G. Achaz (2015) ишларида баён қилинган. МДХ мамлакатларида қуруқлик моллюскаларининг систематикаси ва эволюцияси А. Г. Кузнецов (1999), А. А. Шилейко, Т. С. Рымжанов (2010); эколого-фаунистик ишлар А. А. Байдашников (1992) Ю. В. Сачкова (2000, 2001, 2002), Н. В. Гураль-Сверлова, Р. I. Гураль (2012), И. М. Хохуткин, Н. Г. Ерохин (2014); қуруқлик моллюскаларидаги ўзгарувчанлик жараёнлари С. С. Крамаренко (1993, 1994), И. М. Хохуткин (1997), Н. В. Сверлова (2006) ишларида ўз ифодасини топган. Марказий Осиё республикаларида қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши, уларнинг хўжалик аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар С. Д. Карабаева (1975), С. К. Альмухамбетова (1979), Т. С. Рымжанов (1986), К. К. Увалиева (1990), С. Е. Моисеева (2000) лар томонидан қайд қилинган. Ўзбекистонда А. Пазилов (1992, 2005), Д. Р. Даминова (2002), З. Иззатуллаев (2005, 2013), А. Т. Каримқулов (2011) ва Ф. Гаибназарова (2017) лар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида қуруқлик моллюскаларининг таксономик ва зоогеографик таркиби, хўжалик аҳамияти, конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги ўрганилган.

Аммо, илмий адабиётлар ва бошқа манбаларда Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларидаги қуруқлик моллюскаларининг

таксономияси, тарқалиш даражаси ва фаунаси тўғрисида маълумотлар амалда кам учрайди ва келтирилган маълумотлар эса бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилмаганлигини кўрсатади. Шунга кўра, қуруқлик моллюскаларининг ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаш, фаунистик таркибини таҳлил қилиш, камёб ва муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муайян илмий-амалий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5-17 “Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда тарқалган қуруқлик моллюскалари ўзгарувчанлик қонуниятлари ва тур ҳосил бўлиш жараёни” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал ва А-7-53 “Ўзбекистонда гельминт касалликларни тарқатишда иштирок этадиган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва уларнинг хўжалик аҳамиятини ўрганиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларидаги қуруқлик моллюскалари замонавий ҳолатини баҳолаш ва хўжаликдаги аҳамиятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркибини аниқлаш;

қуруқлик моллюскаларининг зоогеографик структураси ва ареалини ўрганиш;

кенг тарқалган турлардаги конхологик ўзгарувчанлик сабабларини очиқ бериш;

*Stylommatophora* (Schmid, 1855) катта туркуми вакилларида репродуктив трактининг морфологик эволюциясини таҳлил қилиш;

камёб турлар таркибини аниқлаш, уларнинг тарқалиш харитасини тузиш ва муҳофазасига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

кенг тарқалган турларнинг хўжалик аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида тарқалган қуруқлик моллюскалари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби, улардаги ўзгарувчанлик жараёни ҳамда *Stylommatophora* катта туркуми вакиллари репродуктив тракт морфологик эволюцияси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини амалга оширишда умумқабул қилинган малакологик, гельминтологик ва морфометрик тадқиқот, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофидаги тоғларда қуруқлик моллюскаларининг 15 оила, 29 авлодга мансуб 56 тури тарқалганлиги аниқланган;

қуруқлик моллюскаларидан фан учун битта янги авлод ва битта янги тур

хамда ҳудуд фаунаси учун 11 та янги тур аниқланган;

қуруклик моллюскаларининг конхологик белгилари ўзгарувчанлигининг чиғаноқ шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси ва морфометрик ўлчамларида намоён бўлиши асосланган ҳамда ўзгарувчанлигининг сабаблари исботланган;

*Bradybaenidae* (Pilsbry, 1939) оиласига мансуб моллюскалар репродуктив трактининг морфологик эволюцияси очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

қуруклик моллюскаларининг тарқалиши, популяция зичлиги ва қўриқланадиган ҳудудлар малакофаунасининг таксономик ҳолати аниқланган;

*Pseudonapaeus kasnakowi* (Westerlund, 1898), *Ps. otostomus* (Westerlund, 1899), *Fruticicola perlucens* (Rosen, 1901), *F. fedtschenkoi* (Martens, 1874) ва *Kugitangia hatagica* (Shileyko, Pazilov et Abdulazizova, sp.nov.) турларини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва турларнинг тарқалиш хариталари тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган малакологик ва морфометрик усул ҳамда ёндашувларнинг назарий ва амалий маълумотларга мослиги, улар асосида олинган натижаларнинг нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида тарқалган қуруклик моллюскаларининг таксономик таркиби аниқланганлиги, *Bradybaenidae* оиласининг репродуктив тракт морфологик эволюциясига оид янги маълумотларнинг олинганлиги, конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлигига оид қонуниятларнинг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўриқланадиган ҳудудлар малакофаунаси рўйхатини шакллантириш, қуруклик моллюскалари камёб турлари популяцияларини муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигида зарарли моллюскаларга қарши самарадор усулларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида тарқалган қуруклик моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фан учун янги *Kugitangia* авлоди ва янги *Kugitangia hatagica* турининг таксономик белгилари бўйича маълумотлар Зоологик номенклатуранинг халқаро расмий рўйхатига жойлаштирилган (Зоологик номенклатура бўйича халқаро расмий рўйхат, [zoobank.org](http://zoobank.org)). Натижада *Kugitangia* авлодига-CDIB924E-6D5A47AO-B352-F929996F43BC ва *K.hatagica* турига-AE80E7C4-6FF9-4EE5-A5B5-610E8F230752 идентификация рақамларини олиш ҳамда халқаро миқёсда қориноёқли моллюска турлари филогениясини таҳлил қилиш имконини берган;

*K. hatagica* турининг 6 та нусхаси Lc-40369 ва Lc-40370 рақамлари остида Москва давлат университети Зоология музейининг «Қориноёкли моллюскалар коллекцияси»га киритилган (Москва давлат университети Зоология музейининг 2019 йил 22 январдаги 49-сон маълумотномаси). Натижада куруқлик қориноёкли моллюскаларининг таксономик таркибини аниқлаш ва қиёсий таҳлил ўтказиш имконини берган;

Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлар малокофаунасига доир 11 турга мансуб 47 нусха намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 21 декабрдаги 4/1255-3354-сон маълумотномаси). Натижада куруқлик моллюскалари таксономик ҳолатини аниқлаш ва камёб турлари замонавий ҳолатини акс эттирувчи интерактив атлас тайёрлаш имконини берган;

*K. hatagica*, *F. perlucens* ва *F. fedtschenkoii* камёб турларининг тарқалиши ва популяциялари ҳолати бўйича натижалар «Сурхон» давлат қўриқхонасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган умуртқасиз ҳайвонларни мониторинг қилиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 05/21-4194-сон маълумотномаси). Натижада куруқлик моллюскалари камёб турлари замонавий ҳолатини баҳолаш ва муҳофазага муҳтож турларини сақлаб қолиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия қилинган 2 та республика ва 1 та халқаро журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, унда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Куруқлик моллюскалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар**

**тахлили”** деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда тарқалган куруклик моллюскаларининг таксономик структураси, тарқалиши, зоогеографияси, конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги, халқ хўжалигидаги аҳамиятининг ўрганилиши бўйича 36 та маҳаллий ва 102 та халқаро адабиёт манбалари таҳлилининг натижалари баён этилган. Таҳлил қилинган илмий манбалар Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофидаги тоғлар малакофаунасига оид маълумотлар фрагментар тавсифга эга бўлиб, тадқиқот натижалари асосида эмас, кўпроқ музей материалларига асосланганлигини, ҳудуднинг олимлар томонидан амалий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилмаганлигини кўрсатиши билан бирга мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берган.

**“Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида олиб борилган тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобда дала тажрибалари олиб борилган ҳудудлар ҳамда тадқиқот усуллари баён қилинган.

Ушбу тадқиқот ишида 2012-2018 йилларда Сурхон-Шеробод водийси (Термиз шаҳри, Жайраҳона қишлоғи, Оқтепа сув омборлари атрофи, Сурхондарё дарёсининг ўнг ва чап соҳили бўйлаб Жанубий Сурхон сув омборигача, Элбаён қишлоғидан Сурхондарё дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб Лайлакхона, Озод, Хурсанд ва Бештом қишлоқлари; Учқизил сув омбори атрофи, Қоракамар қишлоғидан Занг канали ва Қорасув дарёси бўйлаб Шеробод шаҳригача ва Шеробод, Оққопчиғой каналлари бўйлари ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар, Денов ва Узун туманлари ҳудуди), Кўҳитанг тоғ тизмаси (Сурхон давлат кўриқхонаси ҳудуди ва Вандоб, Шержон, Кампиртепа, Шалқон, Хўжанқо, Лайлагон қишлоқлари атрофи, Лайлакансой дарёсининг юқори оқими ва Газак дарёси атрофи, Хатак, Панжоб, Сайроб, Шўроб ва Кўрхўжа қишлоқлари), Бойсун тоғ тизмаси (Мачайдара дарёсининг ҳамда Пастки ва Юқори Мачай қишлоқларининг атрофи, Бойсунтоғ тизмасининг жанубий ён бағирлари, Бойсун шаҳри ва унга яқин бўлган тоғлар, Гумматак қишлоғи, Жургати довони), Ҳисор тоғ тизмаси (Вахшивор, Ўшор, Сангардакдарёсининг атрофи, Дебадом, Моланд, Чош, Чош дарёси атрофи, Томшуш, Ховот, Тамархут, Киштут дарёси ва Тўполонг сув омбори атрофи, Тўпаланг дарёсининг чап ирмоғи, Ўртасой, Обизаранг дарёси ҳавзаси, Қоратоғ тоғи) ва Боботоғ тоғ тизмаси (Овозкент сой, Қорасой, Заркоса қолдиқ тоғлари, Писталисой атрофи, Оқмачит сой довони) дан йиғилган куруклик моллюскаларининг 2548 донадан ортиқ намуналаридан фойдаланилган.

Йиғилган материалларни фиксация қилиш, анатомик тадқиқотлар ва моллюскаларда борадиган конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлигини ҳамда моллюскалар репродуктив органи тузилишини ўрганишда Н.Н.Акрамовский (1976), Р.Я.Братчик (1976), И.М.Лихарев ва А.Й.Виктор (1980), А.А.Шилейко (1984) усуллари қўлланилган. Олинган натижаларнинг статистик ишлови Г.Ф.Лакин (1992) бўйича таҳлил қилинган.

**«Куруклик моллюскаларининг таксономик ва зоогеографик**

**таркиби, конхологик ўзгарувчанлиги ҳамда репродуктив тракти морфологик эволюцияси»** деб номланган учинчи бобда тадқиқот ҳудуди қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби ва тарқалишини, уларнинг зоогеографик таҳлилини, айрим қуруқлик моллюскаларидаги конхологик ўзгарувчанлик жараёнларини ҳамда тадқиқот объектининг вакилларида репродуктив тракти морфологик эволюциясини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тадқиқот натижаларига кўра Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида қуруқлик моллюскаларининг 15 оила, 29 авлодга мансуб 56 тури тарқалганлиги аниқланган. Қуйида систематика ва номенклатуранинг замонавий талаблари асосида турларнинг таксономик рўйхати (! - фан учун янги авлод ва тур; \* - ҳудуд фаунасидаги янги турлар) келтирилган:

Mollusca типи

Gastropoda Guver, 1795 синфи

Pulmonata Guver in Blainville, 1854 кенжа синфи

Stylommatophora Schmid, 1855 катта туркуми

Geophila Ferussak, 1812 туркуми

Pupilloidei Schileyko, 1979 кенжа туркум

Pupilloinei Schileyko, 1979 инфра туркуми

Orculoidea Steenberg, 1925 катта оиласи

Orculidae Steenberg, 1925 оиласи

Orculinae Steenberg, 1925 кичик оиласи

*Sphyradium* Charpentier 1837 авлоди

1. *Sphyradium doliolum* Brugieri, 1792

Lauriinae Steenberg 1925 кичик оиласи

*Lauria* Gray, 1840 авлоди

2. *Lauria cylindracea* Da Costa, 1778

Vallonidae Morse, 1864 оиласи

Acanthinulina Steenberg, 1917 кичик оиласи

*Acanthinula* Beck, 1847 авлоди

3. *Acanthinula aculata* Muller, 1774

Valloniinae Morse, 1864 кичик оиласи

*Vallonia* Risso, 1826 авлоди

4. *Vallonia (Vallonia) costata* Muller, 1774.

5. *Vallonia (Vallonia) pulchella* Muller, 1774

Cochlicopidae Pilsbry, 1900 оиласи

*Cochlicopa* Ferussac, 1821 авлоди

6. *Cochlicopa (Cochlicopa) nitens* Gallenstein, 1852.

7. *Cochlicopa (Cochlicopa) lubrica* Muller, 1774.

8. *Cochlicopa (Cochlicopa) lubricella* Porro, 1838

Pupillidae Turton, 1831 оиласи

*Gibbulinopsis* Germain, 1919 авлоди

9. *Gibbulinopsis (Primpupilla) signata* Mousson, 1873.

10. *Gibbulinopsis (Primpupilla) nanosignata* Schileyko et Izzatullaev, 1980

*Pupilla* Turton, 1931 авлоди

11. *Pupilla (Pupilla) triplicata* Studer, 1820.
12. *Pupilla (Pupilla) muscorum* Linnaeus, 1758.
13. \**Pupilla (Pupilla) sterrii* Voith, 1838.
14. *Pupilla (Pupilla) anzobica* Izzatullaev, 1970  
Vertiginidae Pilsbry, 1918 оиласи  
Vertigininae Pilsbru, 1918 кичик оиласи  
*Vertigo* Muller, 1774 авлоди
15. *Vertigo antivertigo* Draparnaud, 1801  
Truncatellinae Steenberg, 1925 кичик оиласи  
*Columella* Westerlund, 1878 авлоди
16. \**Columella columella* G. Martens, 1830  
Chondrinidae Steenberg, 1925 оиласи  
*Chondrina* Reichenbach, 1828 авлоди
17. *Chondrina granum* Draparnaud, 1801  
Enidae Schileyko, 1978 оиласи  
Pseunopaeinae Schileyko, 1978 кичик оиласи  
*Ottorozenia* Muratov, 1992 авлоди
18. *Ottarosenia varenzovi* Muratov, 1992  
*Pseudonapaeus* Westerlund, 1887 авлоди
19. *Pseudonapaeus (Pseudonapaeus) albiplicatus* Martens, 1874.
20. *Pseudonapaeus (Pseudonapaeus) miser* Martens, 1874.
21. *Pseudonapaeus (Pseudonapaeus) kasnakowi* Westerlund, 1898.
22. *Pseudonapaeus (Pseudonapaeus) otostomus* Westerlund, 1899.
23. *Pseudonapaeus (Chondrulopsis) sogdianus* Martens, 1874.
24. *Pseudonapaeus (Chondrulopsis) maydanica* Gaibnazarova et Pazilov, sp.nov.  
*Turanena* Lindholm, 1922 авлоди
25. *Turanena martensiana* Ancey, 1886.
26. *Turanena scalaris* Naegele, 1902  
Chondrulopsininae Schileyko, 1978 кичик оиласи  
*Chondrulopsina* Lindholm, 1925 авлоди
27. *Chondrulopsina intumescens* E. Martens, 1874  
Bradybaenidae Pilsbry, 1939 оиласи  
*Fruticicola* Held, 1837 авлоди
28. *Fruticicola perlucens* Rosen, 1901.
29. \**Fruticicola fedtschenkoi* Martens, 1874  
!*Kugitangia* Shileyko, Pazilov et Abdulazizova, gen.nov. авлоди
30. !*Kugitangia hatagica* Shileyko, Pazilov et Abdulazizova, sp.nov.  
Higromioidea Tryon, 1886 катта оиласи  
Higromiidae Tryon, 1886 оиласи  
Trochulinae Lindholm, 1927 кичик оиласи  
*Leucozonella* Lindholm, 1927 авлоди
31. \**Leucozonella (Leucozonella) mesoleuca* Martens, 1882.
32. \**Leucozonella (Leucozonella) schileykoi* Pazilov et Daminova. 2001.

33. *Leucozonella (Leucozonella) rufispira* Rosen, 1897.
34. *Leucozonella (Leucozonella) angulate* Westerlund, 1896.
35. \**Leucozonella (Narinula) hypophaea* Lindholm, 1927  
*Xeropicta* Monterosato, 1892 авлоди
36. *Xeropicta candacharica* L. Pfeiffer, 1846  
*Paedhoplitnae* Shileykoi, 1978 кенжа оиласи  
*Angiomphalia* Schileyko, 1978 авлоди
37. \**Angiomphalia (Angiomphalia) regeliana* Martens, 1882  
*Vitrinoidea* Fitzinger, 1833 катта оиласи  
*Vitrinidae* Fitzinger, 1833 оиласи  
*Phenacolimax* Stabile, 1859 авлоди
38. *Phenacolimax annularis* Studer, 1820  
*Vitrina* Draparnaud, 1801 авлоди
39. \**Vitrina ruglosa* E. Martens, 1874.
40. \* *Vitrina pellucida* Muller, 1774  
*Agriolimacidae* Wagner, 1975 оиласи  
*Deroceras* Rafinesque 1820 авлоди
41. *Deroceras laeve* Muller, 1774.
42. *Deroceras agreste* Linnaeus, 1758.
43. \**Deroceras reticulatum* Muller, 1774.
44. *Deroceras sturanyi* Simroth, 1889.
45. *Deroceras caucasicum* Simroth, 1901  
*Lytopelte* O. Boettger, 1886 авлоди
46. *Lutopelte maculata* Koch et Heynemann, 1874  
*Parmacellidae* Gray, 1860 оиласи  
*Candaharia* Godwin-Austen, 1888 авлоди
47. *Candaharia rutellum* Hutton, 1849.
48. *Candaharia levanderi* Simroth, 1901  
*Ariophantidae* Benson, 1882 оиласи  
*Macrochlamys* Benson, 1832 авлоди
49. *Macrochlamys turanica* Martens, 1874.
50. *Macrochlamys sogdiana* Martens, 1871.
51. \**Macrochlamys schmidtii* Brancsik, 1891  
*Gastrodontiidae* Benson, 1832 оиласи  
*Zonitoides* Lehmann, 1862 авлоди
52. *Zonitoides nitidus* Miiller, 1774  
*Succineidae* Beck, 1837 оиласи  
*Novisuccinea* Pilsbry, 1948 авлоди
53. *Novisuccinea evoluta* Martens, 1879.
54. *Novisuccinea martensiana* Nevill, 1878  
*Pamirsuccinea* Schileyko et Likharev, 1986 авлоди
55. *Pamirsuccinea eximia* Schileyko et Likharev, 1986  
*Oxyloma* Westerlund, 1885 авлоди
56. *Oxyloma elegans* Risso, 1826

Тадқиқотларда, Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофи тоғларида юқорида қайд этилган куруклик моллюскаларидан *Buliminidae* (17,9 %), *Higromiidae* (12,5 %), *Pupillidae* ва *Agriolimacidae* (10,8 %) оилалари вакиллари доминантлик қилиши кўрсатиб берилган (1-жадвал).


1-жадвал

**Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофидаги тоғлар куруклик моллюскаларининг таксономик таркиби**

Моллюскалар оилалари	Таксономик бирликлар			
	Кичик оилалар сони	Авлодлар сони	Тур	
			Микдори	Умумий сонга нисбатан % ҳисобида
<i>Orculidae</i>	2	2	2	3,6
<i>Vallonidae</i>	2	2	3	5,3
<i>Cochlicopidae</i>	-	1	3	5,3
<i>Pupillidae</i>	-	2	6	10,8
<i>Vertiginidae</i>	2	2	2	3,6
<i>Chondrinidae</i>	-	1	1	1,8
<i>Buliminidae</i>	2	4	10	17,9
<i>Bradybaenidae</i>	-	2	3	5,3
<i>Higromiidae</i>	2	3	7	12,5
<i>Vitrinidae</i>	-	2	3	5,3
<i>Agriolimacidae</i>	-	2	6	10,8
<i>Parmacellidae</i>	-	1	2	3,6
<i>Ariophantidae</i>	-	1	3	5,3
<i>Gastrodontidae</i>	-	1	1	1,8
<i>Succineidae</i>	-	3	4	7,1
<b>Жами: 15</b>	<b>10</b>	<b>29</b>	<b>56</b>	<b>100,0</b>


Тадқиқот натижаларига кўра, куруклик моллюскаларнинг таксономик таркиби фан учун янги авлод (*Kugitangia*) ва тур (*K. hatagica*) ҳисобига кўпайган. Янги *Kugitangia* авлоди *Bradybaenidae* оиласига мансуб бўлиб, мазкур оиланинг бошқа авлодларидан репродуктив тракти урғочилик қисмининг қўшимча органлари йўқлиги, пенис ва пенис қинининг ўзига хос тузилиши билан фарқланиши таъкидланган. Жумладан, пениси калта, қайрилган, ловиясимон, пенис қини қалин бўлиб, пенисни икки томонидан шундай ўраб олганки, ташқи кўринишидан уни аниқлаш қийин. Репродуктив органининг урғочилик қисми ўсимтаси йўқ.

*K. hatagica* турининг чиғаноғи филогенетик жиҳатдан ўзига яқин бўлган *F. perlucens* ва *F. fedtschenkoii* турларининг чиғаноғига ўхшайди. Репродуктив органи тузилиши жиҳатидан эса *K. hatagica* бу турлардан кескин фарқланади, яъни, *F. perlucens* ва *F. fedtschenkoii* турларининг репродуктив органи тўлиқ ривожланган бўлиб, *K. hatagica* да эса, репродуктив тракти урғочилик қисмининг қўшимча органлари йўқ (1-расм).



**1-расм. *K. hatagica* тури.** А - чиғаноғининг олди томонидан, Б - остки томонидан кўриниши, В - репродуктив органининг умумий кўриниши, Г - урғочилик органи дистал қисмининг ички тузилиши. Шартли қисқартмалар: Об-оқсил без, Уқ-уруғ қабул қилгич, Бо-бўш овидукт, Пе-пенис.

Тадқиқот давомида Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофидаги тоғларда тарқалган қуруқлик моллюскалари 6 та зоогеографик гуруҳлардан ташкил топганлиги аниқланган (2-расм). Мавжуд зоогеографик гуруҳларнинг асосий таркибини Ўрта Осиё турлари ташкил этиб, турлар сони 24 та, фоизга нисбатан 42,85 % га тенг бўлиши, тарқалиш ареалининг хилма-хиллиги билан бошқа зоогеографик гуруҳлардан ажралиб туриши таъкидланган.



**2-расм. Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофидаги қуруқлик моллюскаларининг зоогеографик таркиби:** I-Палеарктика ва Голарктика турлари; II-Европа турлари; III-Тоғли Осиё турлари; IV-Ўрта Осиё турлари; V-Олд Осиё турлари; VI-Ўртаер денгизи ҳавзаси турлари.


Ўрта Осиё турлари тарқалиш ареалига кўра тор ва кенг ареалга эга бўлган турларга бўлиниши баён қилинган. Унга кўра, тор ареалга эга бўлган турлар фақат битта тоғ тизмаси ёки маълум бир ҳудудда учраб, уларга

*P. anzobica*, *Ps. kasnakowi*, (фақат Ҳисор тоғ тизмасида тарқалган), *Ps. otostomus* (Ҳисор ва Бойсун тоғ тизмалари) *Ps. maydanica* (Кўхитанг ва Бойсун тоғ тизмалари), *K. hatagica* (Кўхитанг тоғ тизмаси) турлари кириб, мазкур турлар бутали ён бағирлардаги тош уюмлари орасида яшайди.

Кенг ареалга эга бўлган турлар эса икки ва ундан ортиқ тоғ тизмаларида тарқалган бўлиб, уларга Копетдоғ, Кўхитанг тоғида тарқалган *O. varenzovi* тури, Олой, Туркистон, Ҳисор, Нурота, Кўхитанг тоғ тизмаларида тарқалган *P. eximia*, *G. nanosignata* ва *L. schileykoi*, Ўрта Осиё тоғлари бўйлаб кенг тарқалган *Ps. albiplicatus*, *Ps. miser*, *T. martensiana*, *T. scalaris*, *F. perlucens* ва *F. fedtschenkoi*, Ўрта Осиёдан ташқари, ареали Афғонистоннинг шимолий ва Эроннинг шимолий-шарқий қисмини эгаллаган *L. mesoleuca*, *L. angulata*, *L. hypophaea*, *A. regeliana*, *C. rutellum*, *C. levanderi*, *M. turanica*, *M. sogdiana* ва *M. schmidtii* турлари киритилган.

Қуруқлик моллюскаларида борадиган конхологик ўзгарувчанлик жараёнлари нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда энг кам ўрганилган муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқот давомида қуруқлик моллюскаларидаги конхологик ўзгарувчанлик ҳудудда кенг тарқалган *Ps. maydanica*, *L. rufispria*, *L. schileykoi*, *L. angulata*, *L. hypophaea* ва *C. levanderi* турларида таҳлил қилиниб, мазкур турларда конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги чиғаноқ шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси ва морфометрик ўлчамларида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотда чиғаноқ шаклининг ўзгарувчанлиги уларнинг ирсий хусусиятларидан ташқари, моллюска яшайдиган биотопдаги экологик омилларга ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Чиғаноқ шаклининг ўзгарувчанлиги кўпроқ моллюска яшаб турган муҳитга боғлиқ бўлиб, ярим бутали, бутали ўсимликлар остида яшайдиган моллюскаларнинг чиғаноқлари конуссимон ёки шарсимон, тош уюмлари орасида яшайдиганларда эса, чиғаноғи қапишган, четлари қиррали бўлиши исботлаб берилган.




**3-расм. *L. rufispria* турида чиғаноқ шакли ва периферик лентасидаги конхологик ўзгарувчанлик.** А - Сурхон давлат кўриқхонаси, Шалқон қишлоғи чегараси (Кўхитанг тоғ тизмаси). Б - Пастки Мачай (Бойсун тоғ тизмаси). В - Оқмачит довони (Боботоғ тоғ тизмаси).

Чиғаноқдаги периферик лентанинг турли даражада ривожланиши ёруғлик ва ҳароратнинг бошқарилиш даражасига боғлиқ бўлиб, қуёш нури кўп тушадиган жанубий ён бағирларда яшайдиган моллюскаларда периферик оқ лента яхши ривожланган, шимолий ён бағирларда эса аксинча қарийб ривожланмаганлиги аниқланган (3-расм).


Конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги чиғаноқ рангида намоён

бўлиши моллюскаларда адаптив хусусиятлардан бири ҳисобланиб, бир тарафдан, моллюскаларнинг бирор-бир биотопга мослашиш хусусиятини, иккинчи тарафдан эса иқлим-ландшафт шароитига боғлиқлигини акс эттиради деб таъкидланган (4-расм).



4-расм. *Ps. maydanica* турида чиғаноқ рангининг ўзгарувчанлиги. А - Майдон (Шеробод шаҳри шимолий-ғарбий қисми) тепалигининг шимолий ён бағри. Б- Боғлидара худуди (Кўхитанг тоғ тизмаси). В-Юқори Мачай (Бойсун тоғ тизмаси).

Моллюскалар ўзи яшаб турган биотоп муҳитига мослашиш натижасида чиғаноқ рангида ёки шилликқуртларда тана рангида ўзгарувчанлик содир бўлади. Масалан, намлиги етарли ва қалин сояли биотопларда моллюскаларнинг яшаши учун ўзига хос микроиқлим мавжуд бўлиб, ортиқча ёруғлик нурларини қайтариш зарурияти туғилмайди, шунинг учун, бундай биотопларда яшайдиган моллюскаларнинг чиғаноқлари оч-жигарранг, сарғиш-жигарранг ёки қорамтир-жигарранг бўлиши баён қилинган (5-расм).



5-расм. *Candaharia levanderi* турида тана рангининг ўзгарувчанлиги. А-Боғлидара (Кўхитанг тоғ тизмаси) шимолий ён бағирлари; Б-Боғлидара (Кўхитангтоғ тизмаси) жанубий ён бағирлари; С-Етим чўққи тепалиги (Боботоғ тизмаси).

Тадқиқот натижаларига кўра, қуруқлик моллюскаларида конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, нафақат чиғаноқнинг сифат белгиларида, балки морфометрик параметрларида ҳам ўз ифодасини топади (2-жадвал).

Тадқиқот давомида Stylommatophora катта туркуми вакилларида репродуктив тракт у ёки бу белгиларининг эволюция натижасида, қисман редукцияга учраши ёки умуман йўқолиши Pupilloidae кичик туркумига мансуб турлар ҳамда Enidae, Hygromiidae оиласининг айрим турлари мисолида қиёсий таҳлил қилинган ва Bradybaenidae оиласи вакилларида фан учун янги *K. hatagica* турида ҳам илк бор стилофор ва панжасимон безнинг


тўлик редуцияга учраганлиги қайд этилиб, *Bradybaenidae* оиласи репродуктив тракт морфологик эволюциясига оид янги маълумотлар олинган (6-расм).

## 2-жадвал

*Ps. maydanica* турида чиганок ўлчамларининг ўзгарувчанлиги (мм да)

№	Биотоплар	Чб*	Ктд	Чоб	Чоўб
Майдон (Шеробод шаҳри шимолий-ғарбий қисми)					
1	Ярим бутали ўсимликларнинг остки қисми	14,50±0,09 CV % 2,09	6,92±0,2 CV % 2,16	5,75±0,1 CV % 1,47	7,44±0,3 CV % 1,85
Боғлидара ҳавзаси (Кўхитанг тоғ тизмаси)					
2	Бутали ўсимликлар остидаги ўтлар ораси	16,29±0,14 CV % 2,74	7,25±0,27 CV % 0,43	6,36±0,3 CV % 0,56	8,90±0,3 CV % 0,71
Юқори Мачай (Бойсун тоғ тизмаси)					
3	Йирик тош уюмлари ости	21,94±0,09 CV % 5,34	8,55±0,9 CV % 2,45	7,75±0,09 CV % 1,66	12,01±0,06 CV % 2,36

Изоҳ: \*Чб-чиганок баландлиги, Ктд-катта диаметр, Чоб-чиганок оғиз баландлиги, Чоўб-чиганок охириги ўрама баландлиги, CV-вариация коэффиценти.



**6-расм. *Bradybaenidae* оиласи авлодларида репродуктив тракт морфологик эволюцияси.** А-репродуктив тракт дисталь қисми қўшимча органлари (стилофор, панжасимон без) тўлиқ мавжуд (*Fruticicola* авлоди). Б-қўшимча органлар редуцияга учраган (*Kugitangia* авлоди). Шартли кискартмалар: Ст-стилофор, Пб-панжасимон без.

Диссертациянинг «**Камёб ва хўжалик аҳамиятига эга куруқлик моллюскалари**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот ҳудуди камёб ва муҳофазага муҳтож ҳамда хўжалик аҳамиятига эга куруқлик моллюскаларининг турлар таркиби ва тарқалишини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тадқиқот натижасида Сурхон-Шеробод водийси ва уни ўраб турган тоғларда тарқалган куруқлик моллюскаларидан муҳофазага муҳтож турлари аниқланган ва уларнинг тарқалиш харитаси тузилган ҳамда *Ps. kasnakowi*, *Ps. otostomus*, *F. perlucens*, *F. fedtschenkoii* ва *K. hatagica* турларини Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”га киритиш тавсия этилган.

Адабиёт маълумотларига кўра, ўрганилган ҳудуд куруқлик

моллюскаларининг 38 тури хўжалик аҳамиятига эга эканлиги, жумладан, 7 тур кишлок хўжалик экинлари зараркунандалари, 36 тури эса паразит касалликларни тарқатишда оралиқ хўжайин вазифасини ўташи кўрсатилиб, тадқиқот ҳудудида кенг тарқалган турлардан *C. levanderi* турининг биотоплар бўйича, *Ps. sogdianus*, *Ps. maydanica*, *X. candacharica*, турларининг ҳудудлар бўйича гельминт личинкалари билан зарарланиш даражаси ўрганилган (3-жадвал).

Тажрибаларда, қуруқлик моллюскаларининг гельминт личинкалари билан зарарланиш даражасининг юқори бўлиши, биотоп хусусияти ва унинг микроклимидан келиб чиқиб, моллюсканинг популяциядаги зичлигига боғлиқлиги кўрсатиб берилган ҳамда улар билан инвазияланиш хавфи юқори ҳудудлар харитаси тузилган.

### 3-жадвал

#### Тоғ тизмаларида кенг тарқалган турларнинг гельминт личинкалари билан зарарланиш даражаси

Турлар	Тоғ тизмалари											
	Кўхитантоғ			Бойсунтоғ			Ҳисор			Боботоғ		
	Жами ўрганилган	зарарланган	*ИЭ %	Жами ўрганилган	зарарланган	ИЭ %	Жами ўрганилган	зарарланган	ИЭ %	Жами ўрганилган	зарарланган	ИЭ %
<i>Ps. sogdianus</i>	75	5	6,6	45	4	8,8	53	2	3,7	63	6	9,5
<i>Ps. maydanica</i>	105	3	2,8	55	3	5,4	-	-	-	-	-	-
<i>X. candacharica</i>	120	9	7,5	80	6	7,05	60	4	6,6	115	12	10,4

Изоҳ: \*ИЭ-инвазия экстенсивлиги

## ХУЛОСАЛАР

“Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлардаги қуруқлик моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги” мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғларда қуруқлик моллюскаларининг 15 оила, 29 авлодга мансуб 56 тури (Сурхон-Шеробод водийсида - 13 тур, Кўхитангда- 30, Бойсунтоғда – 33, Ҳисорда – 38, Боботоғда - 18 тур) қайд этилди. Улардан битта авлод (*Kugitangia*) ва битта тур (*K. hatagica*) фан учун ҳамда 11 та тур тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги ҳисобланади.

2. Сурхон-Шеробод водийси ва унинг атрофини ўраб турган тоғлар қуруқлик моллюскалари 6 та зоогеографик гуруҳдан иборат: Палеарктика ва Голарктика- 12 тур; Ўрта Осиё – 24, Европа – 9, Тоғли – 4, Олд Осиё - 4, Ўртаер денгизи - 3 тур.

3. *Ps. maydanica*, *L. mesoleuca*, *L. rufispria*, *L. angulata*, *L. hypophaea* ва

*C. levanderi* турларига мансуб моллюскаларда конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги чиганоқ шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси ва морфометрик ўлчамларида намоён бўлиб, бу ўзгарувчанлик моллюска яшаб турган муҳитга боғлиқлиги билан асосланади.

4. Bradybaenidae оиласига мансуб, фан учун янги тур *K. hatagica* топилиши муносабати билан, эволюция натижасида репродуктив тракт дисталь қисми қўшимча органлари (стилофор, панжасимон без) нинг умуман йўқолиши илк бор Bradybaenidae оиласи вакилларида аниқланиб, бу мазкур оиланинг ўзига хос репродуктив тракт морфологик эволюцияси мавжудлигини англатади.

5. Сурхон-Шеробод водийси ва уни ўраб турган тоғларда тарқалган қуруқлик моллюскаларидан муҳофазага муҳтож турларнинг тарқалиш харитаси тузилди. *Ps. kasnakowi*, *Ps. otostomus*, *K. hatagica*, *F. perlucens* ва *F. fedtschenkoi* турларини Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”га киритиш тавсия этилади.

6. *D. reticulatum* тури полиз экинларига, *L. rufispira*, *X. candacharica* ва *A. regeliana* турлари чорвачилик аҳамиятига эга озуқабоп ўсимликларга зарар етказиши. Моллюскаларнинг ўсимликларга зарар етказиш даражаси ҳаво ҳарорати, намлик ва уларнинг популяциядаги зичлигига бевосита боғлиқдир.

7. Моллюсканинг гельминт личинкалари билан инвазияланиш даражаси биотоп хусусиятларига ва популяция зичлигига боғлиқ бўлиб, бу популяцияда зичлик қанча юқори бўлса, моллюсканинг гельминт личинкалари билан инвазияланиш даражаси ҳам шунча юқори бўлишини изоҳлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДУЛАЗИЗОВА ШОИРА КАРИМОВНА**

**БИОЛОГИЧЕСКОЕ РАЗНООБРАЗИЕ НАЗЕМНЫХ МОЛЛЮСКОВ  
СУРХАН-ШЕРАБАДСКОЙ ДОЛИНЫ И ОКРУЖАЮЩИХ ЕЕ  
ГОРНЫХ ХРЕБТОВ**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2 PhD/В190.**

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель**

**Пазиров Абдуваит**

доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кучбоев Абдурахим Эргашевич**

доктор биологических наук, профессор

**Эшова Холиса Саидовна**

доктор биологических наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный**

**педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «05» марта 2019 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 29.08.2017.В.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Актывый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №18). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №19 от 18 февраля 2019 года).

**Д.А. Азимов**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.б.н., старший  
научный сотрудник

**Э.Б. Шакарбоев**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Усиление антропогенного воздействия на природную экосистему привело к исчезновению многих представителей беспозвоночных животных. В последние годы в аридных зонах климатическая засуха стала причиной сокращения разнообразия наземных моллюсков. Соответственно, определение современного видового состава наземных моллюсков на засушливых территориях, оценка состояния их популяций и разработка мероприятий по охране редких видов приобретает важное научно-практическое значение.

Большое внимание в мире уделяется определению видового разнообразия моллюсков в наземных экосистемах, доказательству их места в трофической цепи и оценке хозяйственного значения. В этой связи, определены локальные территории, богатые эндемическими видами наземных моллюсков, доказано формирование центров их автохтонных видов, обоснована роль моллюсков в распространении паразитарных болезней и разработаны меры борьбы с ними. Следует отметить, что резкое расширение сельскохозяйственного производства по разному влияет на современное состояние наземных моллюсков на освоенных территориях. Освоение целинных земель и развитие животноводства, с одной стороны, является причиной сокращения территорий редких и эндемических видов наземных моллюсков. С другой стороны, приводит к увеличению числа некоторых вредных видов наземных моллюсков, увеличению степени вреда для кормовых растений и заболеваемости животных личинками паразитов. Следовательно, определение видового состава наземных моллюсков на локальных территориях, оценка состояния популяций редких видов, разработка мер борьбы с вредными видами имеет важное научно-практическое значение.

В настоящее время в республике большое внимание уделяется инвентаризации фауны локальных территорий, сохранению биоразнообразия животного мира и рациональному использованию биоресурсов. В этой связи, разработаны эффективные методы по сохранению исчезающих видов беспозвоночных животных, расширены особо охраняемые территории и разработаны методы использования их в производстве. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача "...предотвращения проблем, влияющих на окружающую среду и генофонд"<sup>1</sup>. Исходя из этих задач, важное научно-практическое значение имеет определение биологического разнообразия наземных моллюсков Сурхан-Шерабадской долины и окружающих её горных хребтов, совершенствование методов охраны редких видов и разработка методов борьбы с вредными видами.

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

